



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг қўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланди.

Натижада республикада иқтисодийнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил қилинди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда. Хар йили 3,0 миллиарддан кўпроқ асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилмоқда, мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестиция умумий ҳажмининг 26,6 фоиздан кўпроги уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу эса хорижий инвесторларнинг республика иқтисодиёти барқарорлиги ва пишиқ-пухталлигига, уни ривожлантириш истиқболларига қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганлигидан яққол далolat беради.

Шу билан бирга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлиги, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганлиги мамлакатда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик говлар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашуварга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишини тақозо этмоқда.

Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилган критаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, республика минтақаларида хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадига:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, республика қонунчилиги томонидан 1-иловага мувофиқ хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кенг қўламдаги кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими яратилган.

2. Белгилаб қўйилсинки, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинандиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган мезёрлари ва қондаларини қўллашга ҳақлидирлар.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони билан белгиланган солиқ имтиёзлари 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб:

2-иловага мувофиқ, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида фаолият юритаётган;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти истисно этилган ҳолда, республиканинг барча минтақаларида жойлаштирилган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга татбиқ этилсин.

5. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, тижорат банклари томонидан хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ қўшимча талаблар ва чекловлар ўрнатилиши қатъиян тақиқлансин ва бу ҳол қонунга ҳилоф деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий инвесторларнинг, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари сўзсиз риоя этишлари устидан қаттиқ назорат ўрнатилсин ҳамда қонунчилик бузилишининг олдини олиш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича таъсирчан чоралар кўрсин.

6. Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотишда тендер (танлов) савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссиясига (Р.С.Азимов) хорижий инвесторларнинг буюртномалари бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг балансидан бўлган паст ликвидли объектларни аниқ инвестиция мажбурияти остида инвестор билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан танлов ўтказмасдан «ноль» харид қиймати бўйича сотиш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмаларининг буюртномалари бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қатнашаётган хорижий компанияларнинг мансабдор шахслари ва мутахассисларига 12 ой муддат билан кириш визалари ҳамда куп марталиқ визалар расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Марказий банкни жалб этган ҳолда хорижий инвесторларга ўзларининг инвестиция фаолиятини амалга оширишлари учун Давлат бюджети ва унинг ижроси, пул-кредит сиёсати, ташқи савдо ҳамда бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда зарур бўлган иқтисодий ахборотлардан тизимли асосда белгиланган тартибда кенг фойдаланиш имкониятларини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун берилган кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликларга доир қонун ҳужжатларининг амалда рўйбга чиқарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатилсин ҳамда берилётган имтиёзлар ва афзалликларга вазирликлар, идоралар ва бошқа ижрочилар томонидан риоя этилмаслиги ҳолатлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига хар чоракда ахборот кириштиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида 2-иловага мувофиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 10 апрел



ТАДБИРКОРЛИК ВА ЗАМОН

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига кенг эътибор қаратилаётгани иқтисодиётда унинг ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Фан-техника тараққиёти жадаллашган, халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида янги технологияларга ўтилаётган шароитда кичик корхоналар алоҳида аҳамият касб этапти. Меҳнат ресурслари тез ўсаётган бир пайтда хусусий тармоқларни барпо этиш кўпгина имкониятларни юзага келтиради.



«НУРАФШОН-НУР» ОДИМЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Нурафшон-нур» хусусий корхонаси кейинги пайтда ишлаб чиқаришда қорчи самарадорликка эришаётган тадбиркорлик субъекти ҳисобланади. Махсус иш қиймларини буюртма асосида тикиш ва сотиш билан шуғулланувчи корхона дастлаб ишлаб чиқариш фаолиятини ижрага олинган бинода, банкдан 40 млн. сўм кредит олиб, хомийларнинг 10 та тикув машинаси ва 5 нафар тикувчи билан бошлаган эди. Уша вақтда ишчиларнинг ойлик маоши 50 минг сўмдан 200 минг сўмгача бўлган.

2011 йилга келиб корхона ўз тикувчилик цехи биносига эга бўлди. Ишлаб чиқариш учун зарур дастгоҳ ва асбоб-анжомлар билан таъминланиб, бошқарув ходимлари штати ташкил этилди. Жумладан, замонавий гул боши, бичиш-кесиш дастгоҳлари, тугма қадаш машинкаси ҳамда 30 та тикув машинаси иш самарадорлигини оширмоқда.

Хуллас, корхонада ўзига хос ишлаб чиқариш тизими шаклланди. Маълумки, ишлаб чиқариш тизими деганда ишлаб чиқариш хомашёси ёки ярим тайёр маҳсулотни маълум бир

қуний маҳсулотга айлантириш учун корхона операцияларидан фойдаланиш тушунилади.

Корхонада ишлаб чиқариш жараёни технологик усулга кўра ташкил этилган бўлиб, асосий ишлаб чиқариш цехида мавжуд ускуналар шунга мувофиқ жойлаштирилган ҳамда маълум ишлаб чиқариш структурасига эга.

Бундан ташқари, мижозларга эга бўлиш билан бирга, иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлида жиддий иш олиб борилди. Натижада корхона замонавий тикув ҳамда қиймларга ёрлик уриш дастгоҳлари билан таъминланди. Ишчилар сони эса 25-30 нафарга етказилди. Уларнинг иш ҳақи ҳам уч-тўрт бараварга ошди. Ҳозирда хусусий корхонанинг мижозлари севизларли даражада кўпайди. Бунга «Шўртангазимё» мажмуаси, Каттақўрғон ёғ-мой комбинати, «Габус-5», «Каратстрой» қурилиш фирмалари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Тошиссиққуввати», «Тошшаҳарнур» давлат унитар корхоналари каби йирик ташкилотларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Корхонада иш жараёни ўзига хос тарзда кеча-

ди. Аввало, буюртмачи томонидан мато ва фасон танлаб олингандан кейин, дизайнер ва моделерлар қийимнинг қўриниши ва унга сарф қилинадиган хомашёни ҳисоблаб чиқишади. Мато кесим цехига берилган, у ерда буюртмада берилган микдорда мато кесиб олинади. Кейин хомашё тикувчиларга тарқатилади. Энг асосийси, тикув жараёни ҳисобланади. Сўнг дазмоллаш ва қадоқлаш цехига жўнатилиб, у ерда маҳсулотлар буюртмачига етказиб бериш учун тайёрлаб қўйилади.

Корхонада ўтган йили 2010 йилга нисбатан ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш кўрсаткичи 22,3 фоизга ошган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми эса 75221 минг сўмга ўсган. Бу эса фаолият самарадорлигини янада ошириш имконини бермоқда.

Зиёдулла ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти қурилиш
Давлат ва жамият ҳуқуқлари
академияси
Олий бизнес мактаби тингловчиси.
Икром ХАСАНОВ
олган суратлар

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ФАОЛИЯТИДАН

Истиқлол йилларида тарихан таркиб топган нодавлат тузилма — маҳалланинг жамият ҳаётидаги мавқеи мустаҳкамланиб, ижтимоий кўмаклашувнинг энг адолатли ва таъсирчан институти, дея эътироф этилди. Бу мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёнидаги муҳим воқеалардан бири сифатида кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш йўлидаги ислохотларимизнинг изчил тус олганидан далолатлар.

Фаровонликка хизмат

Президентимизнинг 1992 йил 12 сентябрда эълон қилинган «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони кўп асрлик тарих, миллий анъаналарга эга бўлган, мустақиллик йилларида бутунлай янгича мазмун-моҳият касб этган ўзини ўзи бошқариш органларининг ташкилий-ҳуқуқий базасини яратишга асос солибгина қолмай, уларнинг фаолият йўналишлари, ваколатлари ва дозарб вазифаларини белгилаб берди.

Утган давр мобайнида «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви ҳамда унинг жойлардаги 14 та бўлим ва 196 та бўлимаси томонидан ана шу муҳим вазифаларни амалга

ошириш йўлида муайян ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси «Маҳалла» хайрия жамоат фондига айлан» тирилди.

Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» юзасидан қилган маърузасида илгари сурилган эзгу гоя ва ташаббуслар жамғарма ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига катта масъулият юкледи. Зеро, ушбу тарихий ҳужжатда маҳалла институтига алоҳида урғу берилиб, унинг мавқеини кўтариш,

вазифалар кўламини кенгайтиришга доир тақлифлар берилган.

Концепцияда фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳозирги кунда демократик кадрларни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб бораётгани, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратилгани, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашган эътироф этилди.

Давоми 3-бетда.

Маънавият соатларида

Қонунлар — ҳаёт кўзгуси

2-бет

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Қўша қараш бахти

3-бет

Касаба уюшмалари ва туризм

Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат

4-бет

Ҳам деҳқон, ҳам боғбон

Чироқчи туманидаги Янги Хўжақўрғон қишлоғида яшовчи Хурсанд опанинг ёшлиги пахта далаларида ўтган. Нишон чўллари уни ўзлаштириш, янги ташкил этилган хўжаликлар ишини жонлантиришда фидокорона меҳнат қилди. Бригадир бўлди. Хирмон-хирмон ҳосил кўтарди.

Болалари Нишон туманида улғайган. Абдурахмон ака (Хурсанд опанинг турмуш ўртоғи) ва Хурсанд опа Чироқчига қайтишга қарор қилганда, улар олдида янгидан уй-жой қилиш масаласи турарди. Серфарзанд оила ҳаммасини бошдан бошлади. Меҳнатбод хўжалигининг қақраб ётган дашт ерларига кўз тикишганда, кўпчиликнинг уларга ҳаваси келмаган эди. Ахир сув йўқ ерда лалми экиндан бошқа нарса олиб бўлмади. Аммо улар чўлни энди кўраётгани йўқ эди. Каттагина уй қад ростлади. Ўғиллари Фуркат ва Шўхрат, қизлари Нодира, Холда, Фотима, Зулайхо ота-онасига елкадош бўлди. Ошхона, оғил деганлари қуриб битказилди. Дастлаб чорва ва паррандачиликка эътибор қаратилди. Қозикда мол, кўрада кўй, катакда товуқ кўпайди. Меҳнат билан бахт излаган оилада бирин-кетин тўйлар бўлди. Қизлар чикарилди, ўғиллар уйлантирилди. Хурсанд опа келин ташлашда ҳам зукколик қилди. Оқила қизлардан келин турширди.

Оила бошлиғи Абдурахмон ака энди бобо бўлди. У бировга зарари тегмайдиган ҳалол-покиза инсон, хонадон бека-

си-да заҳматқаш аёл. Бу оилада тамомила соғлом муҳит, яратувчанлик руҳи, масъулиятни чуқур ҳис қилиш, ҳамжиҳатлик ҳукмрон. Оила аъзолари келишиб, артезиан қудуқ қазишга киришишди. Дашт қўйида сув чиқди. Энди ердан унумли фойдаланиш, турли экинлар экиш имкони туғилди. Етиштирилган сабзилар бозорнинг олди бўлди. Сархил пиёзни ҳам харидорлар талашиб-талашиб олдилар. «Уруғдан сотинг», дея кўплар излашиб бордилар. Саримсоқ пиёз экилар, ҳатто қўшни туманлардан дараклаб келишди....

Ҳадемай набиралар ҳам меҳнатга ора кириб қолди. Бу хонадонда ҳамманинг ўз вазифаси бор, ким чорвага қараса, ким қўйларни боқадилар, ким куркаларни айлан-тириб келса, бошқаси дала ишларида кўмакчи. Дашт ўртасида ям-яшил боғ, кўзни қувнатадиган экин даласи вужудга келди. Абдурахмон бобонинг ишлари-га ҳавас қилганлар унга ҳамсоня бўлиб кўчиб чиқди, дала ишларини ўрганмоқ учун сўраб чиқди. Бобо ва момо билан-ларини айттаверди, қўшиллар уйга хурсанд қайтаверди. «Кўпга бер, кўп катори менга ҳам бер» дея дуо қилувчининг

ОТАЛИҚДАГИ СОҲА



рўзғори меҳнатдан обод бўлди, қўшнилар кўпайиб, гўзал қишлоқ бунёд этилди.

Авал дашт дея аталган жой гавжум кўрғонга айланди. «Янги Хўжақўрғон» номи олдди, ҳар одами деҳқон бўлди...

Бобонинг бир орзуси бор эди. Муборак ҳаж зибратини ният қилганда. Деҳқончилик ва чорвачилик ортидан келадиган даромаддан йўл харажатлари қопланган. Истиқлолимиз шарофати билан Абдурахмон Қодиров 2010 йилда ҳожи бўлди. 2011 йилда катта ўғли Фуркатжон яхши ният билан «Нексия» автомашинаси олдди. Кичик ўғли Шўхратжон дангиллама уй солди... Бу айрилганлар томорқадан унумли фойдаланишининг оддий чизгиси; унинг меҳнати фаровонлик келтириб, натижаси маъмуричиликка хизмат қилди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2012 йил 17 январдаги «Аҳоли шахсий ва дала томорқаларидан самарали фойдаланиш, аҳолига етказиб бериладиган ва кўрсатилган хизматлар учун дебитор қарздорликни камайтириш ҳамда кўрсатилмаётган хизмат турларини ривожлантиришни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Нуробод туманида изчил фаолият юритилаётир.

ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

аҳоли хонадонларида бунёд этилиши назарда тутилган эди. Иссиқхоналар қурилиши учун жами 109,0 млн. сўм маблағ талаб этилди. Маблағнинг 77 млн. сўми аҳоли, қолган 36 млн. сўми эса тижорат банклари кредитлари хисобидан амалга оширилди. Шу кунга қадар 11 та иссиқхона қурилади, уларда кўкلام неъматлари етиштирилмоқда.

Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам жорий йилга мўлжалланган дастур

ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра 42 та хизмат кўрсатиш нуқтаси ташкил этилади. Бугунги кунда уларнинг барчасига ер майдонлари ажратиб берилди ва қурилиш ишлари бошланди.

Мустақкам оила йили муносабати билан кам таъминланган оилаларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ҳазармали, Уртабўз ҳамда Олга маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 10 нафар аҳоли хонадонларида 20 бошдан жами 200 бош парранда тарқатилди.

Ўз мухбиримиз

Фаровонликка хизмат

Давоми. Боши 1-бетда.

Дарҳақиқат, маҳалла ўз фаолияти орқали фуқароларнинг давлат бошқарувида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим вазифаларини ҳал этишда бевосита иштирок этишдек конституциявий ҳуқуқларини таъминлайётир. Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган ўн мингга яқин фуқаролар йиғини илгарти маҳаллий ҳокимият органларининг алоҳида ҳуқуқлари ҳисобланган ўттиздан ортиқ ваколатли бажармоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тадбирлари доирасида ўтган давр мобайнида салмоқли ишлар бажарилиди. Асосий эътибор маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш, йиғинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш билан бирга, аҳолининг эҳтиёжидан қатламларини ижтимоий ҳимоялашга қаратилди. Фонд тузилмалари ҳамда маҳаллалар томонидан ёлғиз кексалар, ногиронлар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳам томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлашга кўмаклашилди.

Хусусан, олий ўқув юрти муассасаларида таҳсил олаётган 117 нафар боқувчисиз ҳамда жисмоний имконияти чекланган талабаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ўқув шартнома пуллари тўлаб берилди. Фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан 55 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқувчи, талабаларга замонавий компьютерлар ҳадя қилиниб, уларнинг 203 нафари «ZiyoNet» тармоғига улаб берилди. Шунингдек, 1850 та кам таъминланган оила фарзандларининг ниҳоҳ ва суннат тўйларини ўтказишга камарбасталик қилинди.

Бундан ташқари, республика бўйича жами 843 та кам таъминланган хонадонга қорамол ҳадя этилди.

Айтиш жоизки, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашдан туриб, булар фаолиятини такомиллаштириб бўлмайди. Шу боисдан ҳам йиғинларни компьютерлаштириш ва меbel жиҳозлари билан таъминлаш диққат-эътиборимизда. Буни фонднинг молиявий кўмағида 751 та йиғинга замонавий компьютер жамланмалари олиб берилганидан ҳам билиш мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиши яхши аниҳанга айланди. Жойларда «Оила — маҳалла — мактаб (касб-хўнар коллежлари, академик-лицей) ҳамкорлиги» концепцияси тарғиботида доир, шунингдек, маъруз ҳужжатни янада такомиллаштириш мақсадида муайян ишлар амалга ошириляётир. Бу борада қасаба уюшма ҳамда фонднинг мутасаддилари маҳаллаларда кенг тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, касб-хўнар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида ҳам муайян ишлар бажариляпти. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда меҳнат ярмаркалари ташкил этиляётгани ҳам яхши самара бермоқда. Олиб бориляётган сайё-ҳаракатлар натижасида республикамиздаги кўплаб коллеж битирувчилари турли ишлаб чиқариш корхоналарида муҳим иш ўрнига эга бўлишяпти. Шунингдек, аҳоли шахсий томорқаларидан унумли фойдаланиш, қолаверса, фуқароларда томорқа маданиятини шакллантириш бўйича ҳам изчил амалий ишлар қилиняпти. Бу даромад манбаининг кенгайишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ижтимоий ҳимоядир. Уни амалга оширишда фонд ҳамда қасаба уюшмалари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик бундан кейин ҳам яхши натижалар беришига ишонамиз. Зеро, пировард мақсад аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ёшларни кам маънан, ҳам жисмонан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, иш билан дашт этиш, маҳаллаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, бир сўз билан айтганда, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда иборат.

Анвар АХМЕДОВ,
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси,
Олий Мажлис сенати аъзоси

2012 ЙИЛ — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

Янги бола

Иккинчи синфда ўқирдик. Устозимиз бир куни бекасман тўн кийган, қорамангиз, кўзлари катта-катта, нигоҳлари тегран болани синфимизга бошлаб кирди.

— Бу боланинг исми — Алоҳиддин, фамилияси — Остонов. Бухородан келган, дўст бўлинглар.

У орамизга тез сингиди. Жиддий ва ҳозиржавоблиги, айниқса, бошқа ўғил

лари кўп эди. Китоблик бир киши машинасини таъмирлатиш мақсадида унга муружаат қилади. У алмисоқдан қолган автоуловни қўлинг ўргилсин қилиб таъмирлайди. Ўртада қадрдонлик риштаси боғланиб, машина эгаси устани меҳмонга қорлайди.

Китоб, Шаҳрисабз туманлари тоққа яқин, сўлим гўшада жойлашган. Бу жойларнинг иклими мўътадил, ҳавоси тоза. Шу боисми, Китоб, Шаҳрисабз қизлари гўзал бўлади. Назира ҳам шулардан бири —

туша бошлади.

Аммо ўша кезлар мансаб курсисида ўтирган айрим кимсаларга устанинг тадбиркорлик фаолияти ёқмади. Уни йўлдан олиб ташлашга жазм этишди. Шундай бўлди ҳам. Бирок уста ўзини хафа

Кўша қариш бахти

болалар сингари сўкинавермаслиги, кўнглимизга қараб гапиргани боис меҳримизни қозонди.

Орадан йиллар ўтди. Улғайиб, яхши-ёмоннинг фарқига борадиган бўлдик. Барчамиз синфбоши Алоҳиддиннинг раёйига қарардик. У садокатли дўст, ажойиб ташкилотчи ва беназир даврaboши эди.

Ота-онаси Бухорода бўлса-да, холаси уни «бир ўғлим икки бўлсин», дея фарзандидек қўрарди. Кўнларнинг бирида ўғли Рустам моточиқда Қаршидан қайтаётиб, ҳалокатга учради. Фарзанд доғида адо бўлаётган холага жиғини сунчқ бўлди. Кўп ўтмай, онаизор ҳам дунёни тарк этди...

Алоҳиддин болалигидан техникага қизиқар, поччаси Азим амакиннинг олча ранг «Жигули»си атрофидан нари кетмасди. Қачон қараманг, машина тагига кириб олиб, уни кавлагани-кавланган эди.

Бўладиган бола бошидан, деганлари рoст экан. Унинг сайё-ҳаракати бе-самар кетмади — беназир устага ай-ланди. Мактабни битираётганимизда синфдошимиз талай миқозлар орттириб, «уста Алёш» дея танилганди.

Болаликнинг бетакрор эртаклари ортда қолди. Чирма бўлган қушлар мисол турли томонга тарқалди. Алёш туманда «автосервис» шохобчаси очиб, шогирдлари билан автоуловлар таъмирини бошлаб юборди. (Авто-мобил йўллари институтини сиртдан битирди). Автоуловчи киши борки, устани пирдек эъзозларди.

«Қора болага тегмайман...»

Унинг уйланиши қизиқ бўлган. Устанинг бошқа туманларда ҳам миқоз-

шахло кўзли, суксурдек эди.

Меҳмон бўлиб келган уста уни кўради-ю оромини йўқотди. Мезоннинг ҳам кўнгли чопиб турарди, бироқ қиз қурмағур аввалига «қора болага тегмайман», деб туриб олади. Сўнг «қора бола»нинг фазилатларини сезади, шекилли, тўйга розилик беради. Йиллар дарё мисол оқиб ўтаверди. Уста билан Назирабону ширин умргузаронлик қилиб, олти нафар фарзандни оқ ювиб-оқ тараб катта қилишди. Эр-отин саёҳат қилиб, салкам дунёнинг ярмини кезиб чиқишди. Қўркам уй-жойлар қуриб, қўша-қўша тўйлар қилишди, орзу-хаваслар кўришди.

— Хўжайиним билан яшаб умрнинг қандай яшаш билан ҳам сезмабман, — дейди Назирабону. — Тoleмидан ўргилай, софдил, самимий инсоннинг умр йўлдоши бўлдим. Ўғил-қизлар, набиралар атрофимизда парвона.

Фармонга кўра

Мустақиллик қувончи кўплар қатори Алёш устанинг ҳам кўнглини тоғдек юксалтирди. Президентимизнинг ҳорихий инвестиция қиритишга доир Фармони кўнглидаги гап бўлганда. У дадил ҳаракат қилиб, банкдан катта миқдорда кредит олди ва Италиядан замонавий технология келтирди. Сўнг «Баланд чайла» қишлоғида помидорни қайта ишловчи хусусий кичик корхона ташкил этиб, иш юритишда кўмаклашиш учун 10 нафар италян мутахассисини таклиф этди. Дастлаб шу ерлик 15 киши ишга жалб этилди. Қатий сайё-ҳаракатлар натижасида иш аста-секин ўнганла борди. Улар ишлаб чиқарган томат пастаси, кетчуп ва бошқа махсулотларга Россиядан ҳам буюртмалар

Энди унинг ишчилари сони 40 нафарга етиб, ишлари ривожлана бошлаганди.

Ноҳақ кутку ва руҳий изтироблар беиз кетмади. Уста соғлиғидан айрилди. У бунни ҳис этган, эришган ютуқларига кўл салтиди.

— Ўша кун йиғилиш анча чўзилди. Аламга чидолмаган бир нокас «келгинди» деб яна унинг кўнгли шишасини синдириди. Ваҳоланки, Алоҳиддин шу ерда илдиш отиб, палак ёзган, қамашилиқлар унга жон қадар азиз эди. Кечга яқин кўз олди қоронғилашиб, боши темирдек қизил бошлади. Юрагида илк бор санчқ туйди. Узoқ йиллар хасталик нелигини билмаган Алёш уста бошининг оғриғига чидолмай чўккалаб қолди. Шифокорлар қон босимни ошганлигини айтишди.

«Қадр бўлмаган жойда юришдан не наф, қолаверса, энди саломатлигим ҳам ўзига яраша» кўнглидан кечди унинг. Қарорини эшитиб, рафикаси ҳам ўйланиб қолди. Кейин: — Сиз нима десангиз, шу, дадажонисини, — деди.

Бироз фурсатини ўтказиб, Тошкент вилояти Янгийўл туманининг пойтахтга яқин ҳудудига кўчиб келиши ва бирварақайига ёнма-ён тушган уч ховлини сотиб олишди. Бу ерлар кенг сайхонлик бўлиб, ҳали ҳовлилар тушмаган, баҳаво, суви мўл жой эди. Қасрдек муҳташам икки қаватли иморатга жойлашишди. Ховлининг қуйи сатҳидаги томорқага сабзавотлар экишди. Мўъжазгина иссиқхона ҳам барпо этишди. Қолган икки ховлида 10 та қорамол ва 100 та қўй парвартиллашди.



Очерк

Уста билан Назирабону ўғил-қизларини меҳр-оқибатли, меҳнатқаш этиб тарбиялашди. Тўнчиг ўғил Улуғбек — тадбиркор, савдо соҳасининг ҳавосини олган. Отабек эса отаси каби автоуловлар таъмири бўйича қўлигул уста. Элбёк савдо фирмасида етаци мутахассис бўлиб ишлайди. Қизлари Феруза, Дилдора, Гўзал яхши хонадонларнинг севимили келинлари, бир-биридан ширин фарзандлари бор.

Хулоса

Синфдошимнинг хасталигини эшитиб, Бизни кўриб, баҳри-дили очилди. Назира ҳам суюнганидан ўтказгани жой топмасди. Назаримда, гўё ўша болалик йилларимизга қайтгандик. — Нега бундай эрқаланиб ётибсан?! — дедим.

— Назира нима қиларкин, деб ётувдим. — Кўй бу эрқалик, сенга сира ярашмабди. — Шундай қилмасам, келиб кўрмайсанда. Кулишамиз. — Тадбиркорликнинг янги қирраларини очмоқчиман. Тезроқ тузалсам эди...

— Илоҳим, ниятингга ет, — дейман. — Ўша ичингдаги гўжур сенинг устунинг, уни синдираман.

— Тўри айтасан, — дейди ҳаяжонланиб, — гўжурим, гўрурим — устуним, улар синган кун ўлган куним. Синфдошим тўшагидан адл турди. Чехрасида қатъият, жиддий эохир бўлган, кўзлари қувончдан порларди.

Шарофат НОРКУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

«Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Термиз туман суд ижроичилари бўлими томонидан, ЖИБ Термиз туман судининг 2011 йил 13 октябрдаги 1-126-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган: фуқаро С.Кенжаевага тегишли, Термиз туман ИИБда сақланган қўйидаги автотранспорт воситаси кўйилмоқда.

1. «Ласетти» русумли, д/р 75 G 028 АА, 2009 й и/ч соҳадаги автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 25 560 000 сўм.
- Аукцион савдосига Олтинсой туман суд ижроичилари бўлими томонидан, Сурхондарё вилоят ҳужжатли судининг 10.11.2009.12.01.2010. 28.01.2010. 01.02.2010. 23.05.2011 йиллардаги 19-0907/11547, 19-0906/13725, 19-0903/15957, 19-0907/17499, 19-1101/3115-сонли ижро ҳужжатларига асосан хатланган, Олтинсой туман «Ок-Олтин» ММТПа те-

гишли, Олтинсой туман шўҳча маҳалласида сақланган қўйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда.

1. Мтз-80 русумли, д/р 07-74 СН, 1984 й и/ч носоҳадаги трактор воситаси. Бошланғич баҳоси 7 555 392 сўм.
- Т-28х-80 русумли, д/р 62-27 СН, 1991 й и/ч носоҳадаги трактор воситаси. Бошланғич баҳоси 1 501 920 сўм.
- ТТЗ-100 русумли, д/р 01-19 СЖ, 1998 й и/ч носоҳадаги трактор воситаси. Бошланғич баҳоси 10 174 896 сўм.
- Т-28х-80 русумли, д/р 73-81 СЖ, 1985 й и/ч носоҳадаги трактор воситаси. Бошланғич баҳоси 1 501 920 сўм.
- Т-40 русумли, д/р 43-29 СЖ, 1986

й и/ч носоҳадаги трактор воситаси. Бошланғич баҳоси 1 501 920 сўм.

6. Мтз-50 русумли, д/р 07-39 СН, 1976 й и/ч носоҳадаги трактор воситаси. Бошланғич баҳоси 3 264 675 сўм.
- Т-28х русумли, д/р бўлмаган, 1991 й и/ч носоҳадаги трактор воситаси. Бошланғич баҳоси 1 373 184 сўм.
- Мтз-80 русумли, д/р бўлмаган, 1994 й и/ч носоҳадаги трактор воситаси. Бошланғич баҳоси 5 969 692 сўм.
- Прицеп, д/р бўлмаган, 1994 й и/ч носоҳадаги трактор воситаси. Бошланғич баҳоси 448 512 сўм.
- Прицеп, д/р 07-74СН, 1994 й и/ч носоҳадаги трактор воситаси. Бошланғич баҳоси 448 512 сўм.

11. Тал 5-Тн, д/р бўлмаган, и/ч йили номалум соҳадаги. Бошланғич баҳоси 1 948 229 сўм.

12. Тал 10-Тн, д/р бўлмаган, и/ч йили номалум соҳадаги. Бошланғич баҳоси 2 078 111 сўм.
13. Темирчи болғаси 10 тн, и/ч йили номалум соҳадаги. Бошланғич баҳоси 17 695 877 сўм.

Аукцион савдосига 2012 йил «21» май кўни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 18 май кўни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат тўлини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва савдосини қўрсатган ҳолда «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ ният ХОАББ «Трасбанк» Сурхондарё вилояти филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамда пушлаши шарт: ҳ/р 2020800004941294001, МФО 01063, ИИН 302125729.

Аукцион савдосида ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилоят, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй. «Тадбиркорлар маркази» Тел: 227-57-94.

25 октябр 2011 йилдаги регистр рақами 972-сонли гувоҳнома.



Орақалпоғистон Республикасида хотин-қизларнинг жамиятдаги мақоми ва фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидаги ишбилармон аёллар учун кенг имкониятлар яратилаётир.

Буни нуқсуслик тикувчи Гумисай Раметуллаева фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бувисидан тикувчилик сирларини пухта ўрганган хунарманд яқка тадбиркор сифатида яхши натижаларга эришмоқда. У тикаётган қорақалпоқ миллий дўппилари, турли хилдаги аёллар либослари, замонавий услубдаги пардалар кўпчиликка манзур бўлаётир. Уз тикувчилик ишлари билан хунармандчиликка оид турли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келётган Г.Раметуллаева кўплаб шогирдлар тарбияламоқда.

Суратда: тикувчи Гумисай Раметуллаева.

Арслон КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган сурат

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ТУРИЗМ

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг туризмни ривожлантириш, туристик хизмат кўрсатиш тизимини замон талаблари даражасида ислоҳ этиш, сервис хизматини юксалтиришга қаратилган қароридан сўнг махсус дастур ишлаб чиқилиб, юртимизнинг навқирон ва қадимий шаҳарлари бўйлаб саёҳатлар ташкил этилмоқда.

Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Андижон вилоят кенгаши жорий йилда биринчилардан бўлиб, бир гуруҳ ходимларнинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида саёҳатини уюштирди. — Асосий мақсадимиз соҳа ходимларини юртимизда олиб борилаётган улкан қурилиш ва бунёкорлик ишлари билан яқиндан таништириш, тарихий обидалари-

мизнинг буюқ намуналарини яна бир қарра намойиш этиш ва шу орқали ватанга бўлган меҳрини янада ошириш эди. — дейди вилоят кенгаши раиси Кимёхон Наммова. — Самарқандда янгитдан бунёд этилган намунали уйлар ва обод кўчаларни кўриш саёҳатчиларда катта таассурот қолдирди.

Туристлик саёҳатга тиббиёт соҳасида

узок вақтдан бери самарали меҳнат қилиб келётган шифокорлар, тиббиёт ҳамширалари ва ишчи-ходимлар тақдир этилди. Ҳар бир саёҳатчи жами 425 минг сўмлик маблағ сарфланиб, унинг 225 минг сўми касабаси уюшмалари ҳисобидан қопланди. 2 нафар кам таъминланган оила вакили учун саёҳат бепул ташкил этилди.

— Ушбу саёҳат бир умр ёдимдан чикмайди, — дейди Олтинкул туманилик ҳамшира М. Қамбарова. — Энг асосийси, истиқлол йилларида юртимизнинг ҳар бир гўшасида янгилашни ва бунёкорлик ишлари олиб борилаётганига гувоҳ бўлдик. Бизга касабаси уюшмаси ташкилотлари томонидан бепул йўланма берилгани учун миннатдорчилик билдирдим.

Навбатдаги йўналиш Қарши, Шахрисабз ва Термиз шаҳарларига бўлади. Қарорда кўрсатилишича, ҳар олти ойлик яқунларига кўра ҳисобот ишлари олиб борилади.

А. ЮНУСОВ

МУЛОҲАЗА

Ўқишдан чиқиб, белгиланган йўналишдаги транспорт воситасида уйга йўл олдим. Кимдир ишдан, кимдир ўқишдан қайтмоқда. Йўловчилар йўл ҳақларини қўлма-қўл узатишарди. Навбат олдироқда ўтирган қизга келганда тўхтаб қолди. Ундан қира ҳақини олинганга узатишни сўрашди.

Мавжи сокин дарё

Бирок, қиз жавоб бермади. Илтимос яна такрорланди. Шунда тоқати тоқ бўлган кексароқ аёл ўғирлиб, узатилган пулларни олдинга бераётди: «Қулоғи том битганми?» дея плеер (уяли телефон наушники) тақиб олган қиздан норозиланди. Ўзига қаратилган гапдан беҳабар қиз ҳузурланиб қўшиқ эшитарди.

Узукун «наушник» орқали мусиқа эшитиб юриш йиллар ўтиб қарликка олиб келиши мумкинлигини мутахассис олимлар кўп гапиришади. Шунга қарамай, айрим ёшлар уларини «замонавий» кўрсатиш учун ундан жуда кўп фойдаланмоқда. Техниканинг бу мосламаси шу қадар «қулай»ки, ундан ҳатто дарс вақтида ҳам фойдаланиш мумкин бўлиб қолди. Минг афсуски, айрим талаба қизларимиз сочлари билан қулоқ мосламасини беркитиб ўзларини гўёки мавзуга тинглаётгандай кўрсатиб, аслида, эстрада куйларини роҳат билан тинглаётган бўлишади. Ёмони, баъзида дарсда қулоғида жаранг сочаётган қўшиқни беҳиётир хиргойи қилиб юборишади. Ёки йўлда кетаётган рақослардек турли ҳаракатлар билан мусиқага мос қадам ташлашади. Бу каби ҳолатлар, албатта, атрофдагиларни ҳайратлантириб, қизнинг одоби-ю ҳаёсига соя солади.

Қиз бола бамисоли тўлқинланиб оқаётган дарё. Унинг мавжи сокин, ўзи тиниқ бўлиши керак! САРАФРОЗ

Соғлом оила — жамият таянчи



Мустаҳкам оила йили ва Бутун жаҳон саломатлик кунига бағишлаб пойтахтлик тиббиётчилар ўртасида Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида

«Соғлом оила — жамият таянчи» мавзусида деворий газеталар кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди. Иштирокчилар «Соғлом оилалар — соғлом бола»

«Соғлом турмуш — мустаҳкам оила асоси» йўналишлари бўйича деворий газеталар ва банерларини намойиш этишди. Жумладан, Юнусобод туман вакиллари оилада қайнона ва келин ўртасида учрайдиган ҳар хил ҳолатларни тендларда ифодалашган бўлса, Мирзо Улугбек туман тиббиёт ходимлари туғруқ ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, туғилган чақоқни ардоқлаш туғрисидаги ишлари билан қатнашди.

Тадбир сўнггида голибларга соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси шаҳар кенгаши, Тошкент шаҳар «Саломатлик ва статистика» институти томонидан совғалар топширилди.

Ўз мухбиримиз

БУЮКЛИК БЕШИГИ

Ижода оилани тасвирламаган бирорта рассом оила тасвири ўзига хос тарзда акс этган. Чунки, ҳар бир инсон ҳаёти оила билан боғлиқ. Ижодкорни элга танитадиган ҳам, бахтсиз қиладиган ҳам унинг оиласидир.

БАРҲАЁТ МАВЗУ

Оила тасвири Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровнинг ижод марказида эди. Мусавирнинг миниатюра услубида яратган асарларига назар ташласак, у рангтаъсир бўладими ёки деворий расмларми — барчасида ота-она, бола тасвирини кўрамай. Биринчи оила тасвири кўрамай. Биринчи оила тасвири кўрамай. Биринчи оила тасвири кўрамай.

етиб, комил инсон бўлиб етишгани мусавирни ҳамиша ҳайратга соларди. Шунинг учун Ч.Аҳмаров шоир ҳаётини чуқур ўрганишга киришиб, «Навоийнинг болалиги», «Навоийнинг ўсмирлиги», «Навоийнинг йигитлиги» каби туркум асарлар яратди. Шу мавзунинг давом эттириш учун шогирди Жавлон Умарбековга ҳам маслаҳат берганига ўзим гувоҳим. Натижада, шогирд айтилганидан ҳам зиёда қилиб «Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг болалиги» рангтаъсирини яратдиким, айнан шу асари билан у санъат муҳлисарига танилди.

Беҳзоднинг қобилияти даврадагилар, айниқса, Навоийни ҳайратга солганга тасвирланган. Ушбу асар айни кунда Санъат музейида намойиш этилаётир. Чингиз Аҳмаров шогирдларига ўз фарзандидек меҳр кўрсатарди. Баҳоидир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Соҳиб Раҳмонов, Шаҳноза Абдуллаева... Санашда узоқ давом этиш мумкин.

Ўзбекистон халқ рассомлари Абдулҳақ Абдуллаев билан Раҳим Аҳмедов ҳам оилани қадрлаб асарлар яратган мусавирлардан эди. А.Абдуллаевнинг Ўзбекистон Давлат санъат музейида намойиш этилаётган «Буви билан набира» портрети (1960 й.) ҳали-ҳануз томошабинни сеҳрлаб келмоқда.

Тасвирда бунининг меҳри, набиранинг соғлом чехраси жуда самимий тасвирланган, уларга боқиб, кайфиятингиз кўтарилади. Мусавир айтмоқчи бўлган гапини ранглар орқали асарга сингдирган. Бувиларнинг оила мустаҳкамлиги йўлидаги хизматини рўй-рост ёрита олган.

Махмуд АҲМЕДОВ, санъатшунос

Қадриятлар кўзгуси

Тарғиботчилар гуруҳи томонидан «Маънавият кунлари» доирасида йирик санаот ва ишлаб чиқариш корхоналари ишчи-ходимлари билан жонли мулоқот ва ижодий учрашувлар уюштирилмоқда.

Яқинда «Варакат алфа» қўшма корхонасида ишчи-ходимлар ҳамда «Қипчоқ» маҳалла ахли иштирокида «Тўйлар ва маросимлар — қадриятларимиз кўзгуси» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Баҳоидир ҲАЙМАТОВ, Маънавият тарғибот маркази Сергели туман бўлими раҳбари

Ўтганларнинг охираати оёқ бўлини

Ўзбекистон Агрисаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши АСМ ходимлари касабаси уюшмаси Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туман кенгаши раиси Шайдулло Ибрагимовга ўғли ШАРОФИДДИНнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Лондонга отланганлар кўпаймоқда

БОКС

Ҳамюртларимиз Аббос Атоев ва Уктама Раҳмонов учун Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган Осиё олимпия саралаш мусобақасида икки карра омадли бўлди.



75 кг. вазнда рингга кўтарилган Аббос Атоев Сун Жай Вун (Жанубий Корея) 21:6 ҳисобида мағлубиятга учратди. Боксчи-миз чорак финалда Ҳорун Муҳаммад Фархон (Малайзия) билан куч синашди ва иккинчи раундда рақибини нокаутга учратди. Жангни муддатидан олдин ўз фойдасига ҳал қилган Аббос Атоев ярим финалга чиқди.

64 кг. вазнда иштирок этган 21 ёшли боксчимиз Уктама Раҳмонов мусобақани иккинчи босқичдан бошлади ва биринчи жангда хитойлик Кин Ху устидан 17:11 ҳисобида зафар кўчди.

Чорак финалда Уктамага Масатсугу Кавачи (Япония) рўбарў келди. Вакилимизнинг устунлигида ўтган беллашувда бир неча кучли зарбаларни ўтказиб юборган япониялик боксчи тўрт марта нокауд ҳолатига тушиди ва муддатидан олдин мағлубиятини тан олди. Шу тариқа ҳар икки боксчимиз Лондон Олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Яна бир кумуш

ВЕЛОСПОРТ

Велоспорт бўйича Таиландда ўтказилган халқаро турнир Мурод Холмуродовга кумуш медални тақдим этди.



Эслашиб ўтамиз, спортчимиз худди шу ерда ташкил этилган Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистонлик велоспортчилар орасида биринчи бўлиб Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига йўланма олган эди.

Ўртада — камар

Ўзбекистон спорт мажмуасида «Буюк ипак йўли» соврини учун халқаро рейтинг жанглари 16 апрелда ўтказилди.

МУАЙТАЙ

Унда мамлакатимизнинг етакчи спортчиларидан бири, жаҳон чемпиони Фирдавс Холмуродов кўталараро чемпионлик камарини ўзида сақлаб қолиш учун литвалик Евгений Каутиетисга қарши рингга кўтарилади.



Мухлислар, шунингдек, профессионал муайтайчилар ўртасида 4 та вазн тоифасида чемпионлик учун кечадагидан қизилкарли жанглarning шохиди бўладилар.

Ушбу жамоаларда рингга қуйидаги спортчиларимиз кўтарилади:

- Шухратбек Ботиров (Ўзбекистон) — Евгений Макин (Россия, -54 кг.); Азиз Назаров (Ўзбекистон) — Чангпуак Ситтрисуп (Таиланд, -67 кг.); Саидхадмад Орипов (Ўзбекистон) — Чи Жан Кай (Малайзия, -73 кг.); Юсуф Ибрагимов (Ўзбекистон) — Марсело Тенорио (Бразилия, -91 кг.).

Етакчилар сафида

БАДИЙ ГИМНАСТИКА



Олимпиада ўйинларига ҳозирлик кўраётган Уляна Трофимова бадий гимнастика бўйича Словениянинг Любляна шаҳрида ўтказилган «МТМ сир — 2012» халқаро турнирида бронза медали соҳибасига айланди.

Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Италия, Кипр, Исроил каби давлатларнинг етакчи спортчилари ўртасида кечган мусобақа қўтиганидек мурасасиз курашлар остида ўтди. Кўпураш беллашувида иштирок этган Уляна Трофимованинг чиқishi ҳақамалар томонидан жами 109,5 балл билан баҳоланди.

Адхам АРСЛОНОВ



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abdusolliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA,

Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Baxtiyor MAHMADALIYEV,

Sog'indiq NIYETULLAYEV,

Eson RAJABOV,

To'liqin TESHABOYEV,

Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib)

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63

Huquq va xalqaro hayot 256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43

Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:

- Andijon + 99897 465 05 68; Buxoro + 99893 653 50 81; Jizzax + 99872 360 00 10; Navoiy + 99894 226 28 84; Namangan + 99897 491 79 28; Samarqand + 99866 708 70 12; Surxondaryo + 99897 458 05 07; Farg'ona + 99873 221 93 19; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75; Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzirimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy E-mail: Ishonch2012@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A. Abdullayev

Navbatchi:

U. Ibodinov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abduljalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarmasida chop etiladi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. Mualliflar fikr ta'birining nuqtai nazaridan foydalanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 20.40 Topshirildi - 21.20

Buyurtma T — 411

22331 nusxada bosildi

1 3 4 5